

## ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 19 январь куни энергия таъминотини яхшилаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди ҳамда гидроэнергетика тармоғидаги режалар тақдими билан танишди.**

Мамлакатимизда энергетика тизимини ривожлантиришда барча манбалардан фойдаланилмоқда. Мавжуд қувватларни мустаҳкамлаш билан бирга қуёш, шамол ва гидроэлектр иншоотлари барпо этилмоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда гидроэнергетика йўналишида 500 миллион долларлик 27 та лойиҳа амалга оширилиб, қўшимча 260 мегаваттлик қувватлар яратилди. "Ўзбекид-рэнэрг" тизимидаги стан-

цияларнинг умумий қуввати 2 минг мегаваттдан ошди. Бу — йилига 2 миллиард куб метр табиий газ тежалмоқда, дегани.

Жорий йилда 197 мегаваттлик 7 та лойиҳа ва 10 та микро гидроэлектр станция ишга туширилиши режалаштирилган. Яна 438 мегаваттлик 8 та истиқболли лойиҳа ва 50 та микро ГЭС қуриш бўйича ишлар бошланади.

Давлатимиз раҳбари гидроэнергетикада салоҳият юқори-

лигини таъкидлаб, қувватларни кескин ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бу борада микро гидроэлектр станциялар қуриш мумкин бўлган 250 та майдон аниқланган. Ҳисоб-китобларга кўра, келгусида бу иншоотларда йилига 675 миллион киловатт-соат электр энергиясини ишлаб чиқариб, 200 миллион куб метр газни тежаш мумкин.

Микро ГЭСлардан электр энергиясини юқори нархларда сотиб олиш йўлга қўйилган, ГЭС қуриш бўйича ишлар бошланади.

Гидроэнергетика иншоотлари атрофидаги бўш майдон-

ларда шамол ва қуёшга мослашган гибрид станциялар қуриш бўйича топшириқ берилди. У ерларда тайёр инфраструктура борлиги ҳисобига харажатлар кам бўлади.

Давлатимиз раҳбари соҳада маҳаллийлаштириш масаласига ҳам тўхталди. "Сувсановат" акциядорлик жамиятида микро ГЭС ускуналари, Тошкент вилоятида гидроагрегатлар ишлаб чиқариш бўйича топшириқ берилди.

Сув омборларини бошқаришни рақамлаштириш, кадрлар малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Йиғилишда аҳолининг энергия билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Президентимиз мавжуд барча захираларни ишга солиш, янги ва истиқболдаги лойиҳаларни муддатидан кечиктирмаган ҳолда амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Энергия танқислиги шароитида қуноқ ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ресурсларни адолатли ва самарали тақсимлаб, жойларга изчил етказиб бериш, узилишларни тезкор бартараф этиш вазифалари белгиланди.

ЎЗА

Адолат ва қонун устуворлиги давлатчиликнинг мустақкам пойдеворицир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса, суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

## «Инсон қадрини учун»

### ҲОЯСИ — АМАЛДА

чинакам адолатли суд тизими шу ҳо-  
негизда такомиллаштирилмоқда



Шу боис кейинги йилларда суд тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, судьяларни танлаш ва лавозимга қўйиш тартибини такомиллаштириш, ҳар бир иш бўйича қонуний, асосланган ва адолатли суд қарори қабул қилинишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, суд тизими фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилди. Судьяларни танлаш ва лаво-

зимларга тайинлашда очик, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.

Илгор хорижий давлатлар таъриби асосида илк бор судья лавозимига муддатсиз тайинлаш амалиёти жорий қилинди. Амалга оширилган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга кўтарилди.

(Давоми 3-бетда) ►

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

### ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА СУДЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда судлар фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш имконини берди.

Шу билан бирга "Янги Ўзбекистон — янги суд" тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишни жадаллаштиришни, соҳага илгор халқаро стандартларни жорий этишни талаб этмоқда.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини ошириш мақсадида:

**1. 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси** (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-

иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Стратегия доирасида куйидагилар одил судловни таъминлашнинг устувор вазифалари этиб белгилансин:

"Инсон қадрини учун" ҳоияси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш;

адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш;

фуқаролар ҳамда тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қила олиши учун барча имкониятларни яратиш, суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш, судларнинг ҳолислигини амалда таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш;

(Давоми 2-бетда) ►

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

### ОДИЛ СУДЛОВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги "Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-11-сон Фармони ижросини самарали таъминлаш мақсадида:

**1. Бош прокурор (Н.Йўлдошев):** Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси (кейинги ўринларда — Ихтисослашган прокурорлар корпуси) фаолиятига 2023 йил 1 сентябрга қадар "Судларда прокурор иштироки" ахборот тизимини яратиш, дастлаб синов тарзида ишга туширсин ҳамда 2024 йилдан амалиётга тўлиқ жорий этсин; Олий суд билан биргаликда 2023 йил 1 июлдан Бош прокуратура ва Олий суд ахборот тизимларини интеграция қилиш йўли билан ўзаро ҳужжат алмашинувини тўлиқ йўлга қўйсин.

**2. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг эмблемаси намунаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Белгилансинки, эмблемани тайёрлаш ва сақлаш ҳамда ундан фойдаланиш тартиби Олий суд раисини томонидан тасдиқланади.

**3. Одил судлов фаолиятини амалга ошириш учун жалб этилган ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида** Олий суд Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда:** илгор хорижий таърибадан келиб чиққан ҳолда айрим тоифадаги фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш ваколатини тегишлилиги бўйича маъмурий органларга ўтказиш; айрим тоифадаги жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўйиш инстанция судларининг ўзида яқунлаш тартибини белгилаш; фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича тарафларни келиштириш ва медиация институтини кенг жорий этиш бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини таъминласин.

(Давоми 2-бетда) ►

Мустақиллик йилларида демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятининг муҳим шартини бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалиётга жорий этилди. Натижада мамлакатимизда судлар фаолияти такомиллашди. Хусусан, жиноят процессида шахс ҳуқуқларини кафолатлашнинг мустақкам асослари яратилди.

Конституциямизда акс эттирилган принципларга мувофиқ, жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди. Инсонпарварлик тамойили асосида амалга оширилган мазкур ислохотлар натижасида фуқароларнинг судларга ишончи ортиб бормоқда.

Бугун мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида изчил амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар марказида инсон омили турибди. Бу ҳаётининг Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасидаги "Инсон манфаатлари ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларининг бош мақсади этиб белгиланди", деган сўзлари яна бир бор яққол исботлаб берди.

Зеро, чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ва қонуний суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқалигина халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш мумкин. Бунда халқимизнинг суддан, пировардида эса, давлатдан рози бўлишига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, очик фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш катта аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас.

Шу маънода Президентимиз томонидан 2023 йил 16 январда имзоланган иккита тарихий ҳужжат айнан мазкур Мурожаатномада билдирилган таклифларнинг ижросини амалда таъминлашга қаратилган. Бу ўринда давлатимиз раҳбарининг "Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва

## Муносабат

### Суд тизимининг янги концепцияси



судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари ҳақида сўз бормоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январда Парламентга йўллаган Мурожа-

атномасида давлат идоралари мансабдорлари суд мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлишини чуқур англаб олишлари кераклиги таъкидланган. Бундай баёнот давлат раҳбарининг айна соҳадаги қатъий позициясини яққол кўрсатади.

Зеро, судья мустақил бўлса, қонунга сўзсиз бўйсунса,

(Давоми 2-бетда) ►

## Хорижий таъриба

### Оилавий низоларни ҳал қилиш:

яраштирув тартиб таомилларини кенг қўллашнинг аҳамияти



Маълумки, амалдаги қонунларда низоларнинг вужудга келишини камайтириш, уларнинг олдини олиш, юзага келиш сабабларини ўрганиш ва бартараф этиш, судга қадар ҳал қилиш чораларини кўриш, судга тегишлилик ва судловлик зарурати сезилса, судларда қонуний тартиб-таомилларга асосан ҳал қилиш тартиби ва усуллари белгиланган.

(Давоми 3-бетда) ►

## Қонун кўмаги

### Ҳақли даъво

суд тартибида қаноатлантирилди



Мамлакатимиз Конституциясида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга, ўз навбатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур экани қатъий белгилаб қўйилган.

(Давоми 3-бетда) ►







Муносабат

«ИНСОН КАДРИ УЧУН»  
ҒОЯСИ — АМАЛДА

чинакам адолатли суд тизими шу ғоя негизда такомиллаштирилмоқда

«Бошланиши 1-бетда»

Соҳадаги ишларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида "Судлар тўғрисида"ги қонун янги тахрирда қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби, судьяларнинг мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, судьялар ва улар оила аъзоларининг моддий ҳамда ижтимоий ҳимояси мустаҳкамланди.

Шунингдек, қонундаги нормалар билан судьялик лавозимига номзодлар ва судьялик лавозимига тайинланадиган, сайланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талаблар белгиланган стандартларга мослаштирилди. Судьялар, суд раислари ва раис ўринбосарларини тайинлаш ва сайлаш тартиби белгиланди. Судьялар ваколатларини тўхтатиб туриш, тугатиш асослари, тартиби янада аниқлаштирилди.

Президентимизнинг куни кеча имзоланган "Одил судловга эришиш имкониятларини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони соҳадаги ишларни янги, янада юксак босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу ҳужжат билан 2023-2026 йилларга мўлжалланган Суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқланди.

Стратегияда қуйидагилар:

- "Инсон кадри учун" ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини

шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон кадр-кимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш;

- адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

- ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш;

- судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш;

- сунъий интеллект технологияларини жорий этиш;

- идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш;

- суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш масалалари одил судловни таъминлашнинг устувор вазифалари этиб белгиланди.

Шунингдек, суд қарорларининг қатъий ижросини таъминлаш, бу борада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш, судьялар ва суд ходимларида юксак муомала маданиятини шакллантириш орқали судга мурожаат қилган ҳар бир фуқаро ва тадбиркорда суддан, пировардида эса, давлатдан розилик ҳиссини уйғотиш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини ошириш масалалари ҳам назарда тутилмоқда.

Эндиликда суд ишларини ҳал этишга аралашганлик ва суд ҳужжати ижро этмаганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилади. Суд ҳужжатлари ижро этилишини таъминлашга қаратилган таъсирчан механизмлар жорий этилади.

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатчилигини текшириш институтини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибда қайта кўриб чиқиш, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибда кўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибда қайта кўриб чиқиш, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибда кўрилган ишларни Олий суднинг судлов ҳайъатларида тафтиш тартибда қайта кўриб чиқиш, юқори инстанция судлари томонидан ишни янгидан кўриш учун қуйи судларга юбориш тартибини бекор қилиш ва уларга иш бўйича якуний қарор қабул қилиш масъулияти юкланмоқда.

Фармонда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг ишига ҳар қандай аралашув қатъий жазоланиши, судьяларнинг хавотирсиз ишлаши учун давлат томонидан барча шароитлар яратиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, судга

ҳурматсизлик қилиш ҳолатларининг олдини олишга оид самарали механизмларни ишлаб чиқиш, бунинг учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш ва жиноий жавобгарликни белгилаш, суд ишларини ҳал этишга аралашганлик ва суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, суд ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлашга қаратилган таъсирчан механизмларни жорий этиш, одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганликка оид ҳар бир жиноят иши якуни бўйича жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали мажбурий равишда хабардор қилиш тартибини жорий этиш белгиланмоқда.

Фармон билан Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси негизда Одил судлов соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш департаменти ташкил этилди.

Ушбу департамент суд фаолияти соҳасидаги қонунчиликни ҳамда одил судлов муаммоларини тизимли таҳлил қилиш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни, суд амалиёти ва суд иш юритиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади. Одил судлов самарадорлигини илгор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида таҳлил қилади.

Шу билан бирга, одил судлов соҳасига оид халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича тизимли ва изчил чоралар кўради. Фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий қонунчилик, судларнинг мустақиллигини таъминлаш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларини ўрганиш, уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Бир сўз билан айтганда, Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш билан судлар фаолиятини рақамлаштириш янада кенгайтирилади. Судларда ишлар сифатли ва ўз вақтида кўрилишига эришилади. Энг асосийси, судларнинг чинакам мустақиллиги таъминланиб, аҳолининг одил судловга бўлган ишончи ошади, жамиятда қонун устуворлиги таъминланади ва қонунийлик мустаҳкамланади.

Даврон АРИПОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Қонун кўмаги

Ҳақли даъво

суд тартибиде қаноатлантирилди

«Бошланиши 1-бетда»

Ушбу қонунда халқимизнинг миллий кадри ва урф-одатларининг ёрқин ифодаси ҳисобланади. Фарзанд ва ота-она ўртасидаги меҳр-оқибат, яхши-ёмон кунда суянчиқ бўлиш, ғамхўрлик кўрсатиш халқимиз табиатида хос.

Айтиш керакки, юртимизда кексайган, қаровга муҳтож ота-онасига ғамхўрлик қилаётган, иссиқ-совуғидан ўз вақтида хабар олиб, уларни меҳр билан парваришлайётган юртдошларимиз жуда кўпчилигини ташкил этади.

Бироқ гуруч орасида қурмак учрагани каби авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимизни унутган, кекса ота-онасини ўз ҳолига ташлаб қўйган, уларга моддий таъминот беришдан бўйин товлайдиган кимсалар ҳам оз бўлса-да, учраб туради.

Яқинда очиқ сўз мажлисида гулистонлик Янгибой Хушмуродов (исм-шарифлар ўзгартирилган)нинг даъво аризага кўриб чиқилди.

Янгибой Хушмуродов ўз даъво аризасида фарзандлари Наҳиддин, Аслиддин, Аҳлиддин, Азмиддин ва Зухриддин Хушмуродовлардан моддий таъминот ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида маълум бўлишича, Я.Хушмуродов ҳозирда саксон ёшдан ошган. Турмуши давомида етти нафар фарзанд кўрган. Улардан бир нафари вафот этган, бир нафари қиз. Қолган беш нафар ўғил унинг ҳолидан хабар олмай қўйган. Соғлиги яхши эмас, ҳар ойда оладиган пенсияси кундалик эҳтиёжларидан ортмайди. Шу сабабли ота фарзандларидан алимент ундиришни сўраб, судга мурожаат қилган.

Шу ўринда бу борадаги қонун талабларига эътибор қаратсақ, Оила кодексининг 110-моддасига кўра, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласа, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади.

Ота-она алимент ундириш ҳақидаги талабни ўз болаларининг бирига ёки бир нечтасига нисбатан қўйганидан қатъи назар, алимент миқдорини белгилашда суд вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан алимент ундириш низои узил-кесил ҳал бўлгунга қадар судья шу низо бўйича вақтинча тўлаб турилиши лозим бўлган суммани кўрсатиб, ажрим чиқариши ҳам мумкин. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан ундирилаётган алимент миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 11,75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Оила кодексининг 136-моддасига асосан алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади. Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъи назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Суд даъво талабини муҳокама қилиб, даъвога Янгибой Хушмуродовга ёшга доир пенсия тайинлангани, моддий ёрдамга муҳтожлиги, жавобгарлар фойдали меҳнат фаолияти билан шугулланиб келаётгани бўлса-да, ўз ихтиёри билан отасини моддий жиҳатдан таъминламаётганини инобатга олди ва даъвогарнинг алимент ундириш ҳақидаги даъвосини асосли деб топди. Шу боис даъво талаби қаноатлантирилиб, жавобгарлардан Янгибой Хушмуродовнинг фойдасига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 20 фоизи миқдоридан алимент ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Шу тариқа кекса Я.Хушмуродовнинг ҳақли даъвоси суд тартибиде қаноатлантирилди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ота-она фарзандини дунёга келтириб, вояга етказиш, таълим-тарбия бериш, ўйли-жойли қилиш, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун машаққат чекади. Ўз навбатида, фарзанд ҳам уларга кекса моддий ёрдам беришдан бўйин товласа, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади.

Камол НАМОЗОВ,  
фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро суди раиси

Хорижий тажриба

ОИЛАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ:

яраштирув тартиб таомилларини кенг қўллашнинг аҳамияти

«Бошланиши 1-бетда»

Бироқ низоларни судга қадар ҳал қилиш, шунингдек, низолар судда кўриладиганда ҳам яраштирув тартиб-таомилларини қўллаш энг мақбул ва самарали усул саналади. Чунки низолар, келишмовчилик ва зиддиятларни муроса йўли билан бартараф этиш шахс, оила, маҳалла, жамият, давлат, муайян орган ёки ташкилот учун жуда фойдалидир.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида низоларни ҳал қилишда яраштирув институтининг ўрни тобора кенгайиб бормоқда. Аниқроқ айтганда, тараққий этган давлатларда медиация соҳасини тартибга солувчи махсус қонунлар қабул қилинаётгани ҳамда кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилаётгани бунинг исботидир.

АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Финляндия каби хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиётида фуқаролик низоларини ҳал этишда медиатив келишувнинг икки босқичи мавжуд. Уларнинг бири консилиатор, иккинчиси медиатор деб аталади. Консилиатор фақат ишни ҳал қилиш бўйича муайян маслаҳат (йўналиш)лар беради. Медиатор эса, тарафлар билан юзма-юз кўришиб, суҳбат, тренинглар ўтказиши, муаммони ҳал қилишга кўмаклашади.

Медиацияни қўллаш жараёни махфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, медиаторнинг мустақиллиги ва ҳолислиги таъминланадиган асосида амалга оширилади. Буларнинг ичиде энг диққатга сазоворлиги ихтиёрийлик ва махфийлик оилавий низоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки

ихтиёрийлик таъминлаш асосидаги медиация тарафларнинг уни қўллаш тўғрисидаги келишувда ифодаланган ўзаро ихтиёрий хоҳиш-истаилари бўлган тақдирда қўлланилиши ўз ифодасини топган. Медиация тарафлари медиацияни қўллашдан унинг ис-талган босқичида воз кечишга ҳақли. Медиация тартиб-таомиллари амалга ошириш вақтида тарафларни ўзаро ярашишга мажбурлаш тақиқланади.

Махфийлик таъминлаш мувофиқ, медиация иштирокчилари медиация жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни уларни тақдим этган медиация тарафи, унинг ҳуқуқий вориси ёки вақилининг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас. Медиация иштирокчилари ўзларига медиация жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, шунингдек, улардан медиацияга тааллуқли ахборотни талаб қилиб олиш мумкин эмас (бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно). Медиациянинг бундай тартиби тарафлар сирини сақлаш, уларнинг ташқарига чиқмаслигини таъминлашга кафолат беради.

Медиация хизмати (медиатор)нинг мустақил ва ҳолис бўлиши медиациянинг ишончли кафолатларидан бири саналади ва бу тарафларнинг эркинлиги ва ишончига асос бўлади.

Голландия, Бельгия, Швеция, Молдова каби хорижий давлатлар тажрибасида медиация тартиб-таомиллари қўллаш мажбурий ва муайян ишлар бўйича чегараланган, жумладан, болани олиб бериш, бола билан учрашув белгилаш, ер участкасини

бўлиш, етказилган зарарни ундириш ва бошқа ишларга таъбиқ этилади. Ушбу давлатларда давлат ижрочиси (суд пристави) йўналиш берса, судда мутахассис (психолог, конфликтология, социология) маслаҳати эътиборга олинади.

АҚШ, Канада, Буюк Британия, Австрия, Норвегия каби давлатлар қонунчилигида медиация мурожаат қилишнинг икки шакли амал қилади. Биринчисида судьянинг ўзи медиаторга мурожаат қилиш ҳуқуқини тарафларга тушунтирса, иккинчисида тарафларнинг ўзи турли маълумотлар, хабарлар, интернет-сайтлар, эълонлар орқали танишиб олади.

Кўпгина хорижий мамлакатларда оилавий низоларни ҳал қилишда оилавий медиация зарурий босқич сифатида эътироф этилган. Масалан, 15 йил бирга яшаган оила ажрашиб кетиш арафасида, ўртада турли ёшдаги уч нафар фарзанд бор. Бундай ҳолатда Перу давлати қонунчилигида суд масалани ҳал қилмасдан олдин медиатор тайинлаши шартлиги белгилаб қўйилган. Медиатор камда олти ойга қадар тарафлар билан алоҳида-алоҳида, биргаликда, фарзандлари билан алоҳида ёки биргаликда жуда кўп процесуал-ҳуқуқий, маънавий-тарбиявий, психологик суҳбатлар ўтказиши ва натижада бўйича судга хулоса беради.

Умуман айтганда, хорижий давлатлар тажрибасида амал қилаётган оилавий медиацияда никоҳ муносабатларига тааллуқли ҳам мумкин бўлган, аммо ота-оналик муносабатларига бир умр давом этувчи жараён сифатида қаралади. Масалан, Дания, Ирландия қонунчилигида



оилавий ажримлар бўйича бепул маслаҳат берилди. Бундай медиация тартиб-таомиллари мактаб, коллеж ва лицейларда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этишда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Оилавий низоларни ҳал қилишда медиация тартиб-таомилларини қўллаш борасида медиатор қуйидагиларга эътибор қаратади:

- Низоли вужудга келтирувчи бош сабабни топиш;
- Тарафларни иш бўйича бир қарорга келтириш;
- Тарафлар билан "уларнинг тилида" гаплашиш, ҳам-фикр бўла олиш;
- Икки ва тўрт соат мобайнида норасмий (дўстона, иш-иш тартибда) суҳбатлар ўтказиш;
- Тарафларга медиатив келишув оқибатларини тушунириш ва бошқалар.

Медиацияни мулоқот, музокара, мунозара, суҳбат, тушунириш, ишонтириш, эшитиш, таҳлил қилиш, таъсир этиш, ечим бериш, келиштириш каби шаклларда қўллаш мумкин.

Оилавий низолар бўйича медиатив чораларни қўллашда медиатор қуйидаги таомилларга амал қилиши зарур:

- Оила субъектлари (яқин қариндошлар) ўртасида вужудга келадиган муносабатларга салбий таъсир кўрсатмаслик;
- Оила муқаддаслигини таъминлайдиган тадбирий

чоралар қўлланилишига эришиш;

- Оилавий, шахсий, ҳуқуқий, психологик, маънавий, ахлоқий, эстетик, миллий одат ва анъаналар, юксак қадриятларга ҳурмат кўрсатиш;

- Муаммони болалар манфаатлари устуворлиги асосида ҳал қилиш.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсақ, хорижий давлатларда фуқаролик низолари медиация усуллари орқали ҳам бартараф этилмоқда. Энг муҳими, медиация ўзаро розилик ва ихтиёрийликка асосланади. Ундан исалган вақтда воз кечиш ва заруратга кўра, уни яна тиклаш мумкин. Ўзаро келишув асосида танлаш имкониятининг мавжудлиги ҳамда маълумотларнинг махфий сақланишига кафолат берилиши, медиацияга мурожаат қилиниши кейинчалик судга мурожаат қилиниши чекламаслиги ҳам бу усулнинг афзалликлари ҳисобланади.

Хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиётида ўзини оқлайдиган бундай тартиб-таомилларни миллий қонунчилигимизда ҳам қўллаш фойдалан ҳоли эмас. Зеро, низоларни ҳал қилишнинг бундай самарали усуллари амалиётда қўллаш яратиши баробарида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишига катта ҳисса қўшади.

Замира ЭСОНОВА,  
Тошкент давлат юридик университети профессори

Жиноят ва жазо

Ошиқ қиёфасидаги ФИРИБГАР

ёки ўзганинг ҳақи буюрмайди



Йўловчиларга автотранспорт хизмати кўрсатиш фаолияти билан шугулланувчи корхона ҳайдовчиси С.Равшанқулов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўзининг ширин сўзи, атрофдагиларга яхши муомаласи билан жамоада эътибор қозонди.

Хизмат тақозоси туфайли С.Равшанқулов корхона оператор-диспетчери Фарзона Пўлатжонова билан ҳар куни телефон орқали боғланиб турарди. Ҳазилқаш, ҳозиржавоб бу йиғитга нисбатан қизнинг кўнглида ҳам илиқлик уйғонганди.

Бора-бора С.Равшанқулов бўш пайтларида Фарзона ўтирадиган хонага эмин-эркин кирадиган билан ҳар куни телефон орқали боғланиб турарди. Ҳазилқаш, ҳозиржавоб бу йиғитга нисбатан қизнинг кўнглида ҳам илиқлик уйғонганди.

«Давоми 4-бетда»



